*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**28 сентябрь**
ШАНБА
**№ 78** (12610)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЮҚОРИ СИФАТ ОМИЛИ

**Жорий йилнинг 16-17 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида IX Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли анжуман жаҳон бозорида ўзбек пахтасига бўлган қизиқишни тобора оширмоқда. Мамлакатимизнинг мазкур соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш ва пахтанинг минтақавий ва халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган. Зеро, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳар қандай маҳсулот рақобатбардош бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида пахтани етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув ўзгарди. Селекциячилар янги навларни яратишда аввало жаҳон бозори талабларини ҳисобга олмоқда. Бугун юртимизда асосан тезпишар, тола чиқиши 40 фоизгача бўлган навлар районлаштирилган. Пахта тозалаш корхоналарини қайта жиҳозлаш, замонавий тежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Толани синашнинг дунёдаги энг илғор услублари қўлланиб, сертификатлаш механизми халқаро андозалар даражасига етказилди.

Дунёдаги кўплаб нуфузли компаниялар ўзбек толасини сотиб олиш ҳамда қайта ишлаш бўйича мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Бу заминимизда етиштирилаётган пахтани ўз вақтида, замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва ундан юқори сифатли тола олишни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Пахта хомашёсини дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини оширишда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналар муҳим ўрин тутади.

Айни пайтда уюшма тизимидаги 98 пахта тозалаш корхонасида 2012 йилда 3,4 миллион тоннага яқин пахта қайта ишланди.

– Пахтани қайта ишлаш саноати – миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан, – дейди "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг ишлаб чиқариш ва моддий-техник ресурслар билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи Давлат Йўлдошев. – Бу уюшмамиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Айни пайтда тармоқ корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 14 мартда қабул қилинган "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим омил бўлаётир.

Тизимдаги корхоналарда пахтани қуритиш ва тозалашда замонавий ускуналардан фойдаланиш, тола чиқиш миқдорини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007-2012 йилларда мамлакатимиздаги олтмишдан зиёд пахта тозалаш корхоналарида модернизациялаш ишлари бажарилди. Мазкур корхоналарда тежамкор технологияларнинг ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, маҳсулот сифати янада яхшиланди. Бу корхоналар рентабеллигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

**Бу севимли газетанинг мени илиқ кутиб оладиган таҳририятида тез-тез бўлиб тураман. Янгиликлардан, чиройли фикрлардан айтиб туришади ва тез-тез ёзиб туришимга рағбат ҳам беришади. Яна келдим. Хурсанд бўлишди. Хат кўп келган, даста-даста. Бирини қўлимга бердилар. Ўқинг, фикрингизни айтинг дедилар. Ўқидим. Муаммоли хатларни ўқишни, қайта-қайта ўқишни яхши кўраман.**

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## ТЕРАКЛАР ва яна ТЕРАКЛАР ҲАҚИДА



Очерк

"Қадрли таҳририят аъзолари, қалами ўткир ўғил-қизларим, ёшим саксонни қоралаб бораяпти, Аллоҳга шукр, ёмон яшамадим. Қарилик ёмон экан. Тўсину харилари эгилиб, чириб ҳам кетган уйимни аскарда хизмат қилаётган ёлғизгина набирамга янгилаб бериб кетай, кейин берган умрига рози бўлиб, оламдан ўтсам ҳам майли, деган ниятда анча йилдан буён белимга маҳкам тугиб юрган пулимни олиб ёғоч, тахта ахтаришга тушдим. Ё Аллоҳ, Оҳангарондек бой, бадавлат туманда ёғоч сотадиган база ҳам, ёғочу тахтанинг ўзи ҳам йўқ экан. "Тошкентга боринг, ёғочнинг энг зўрини фарғоналиклар ўша ерда сотишади", дейишди. Эҳ-ҳе, мен шу ёшимда ёғоч сўраб, Тошкентга бораманми?.."

Шарифбой ота Бозорбоевнинг тўлқинланиб ёзган 14 саволдан иборат хатини қисқартирдим. Моҳиятида учта савол айниқса, бўртиб турарди. Шулардан бири сендан зўрман, зўр тадбиркорман, деб ерни талашиб олган фермерларга қаратилган. Ер атрофига нега терак экмадинг, оламни теракка тўлдириб юборадиган ерларимиз бор эдику? Нега ана шу тераклардан кесиб, бозор ташкил қилмадинг? Нега ҳокимиятнинг қўли баланд, тили ўткир ходимлари еридан унумли фойдалана олмаётган, ерлари четига терак экмаётган фермерларнинг қулоғидан чўзиб қўймайди, дейилган. Хуллас, отанинг хатида 14 савол қани, менга навбат келармикан, деб турибди.

– Отанинг дарди зўр экан-ку, – дейман хатни ўқиб бўлгач.

– Кўпни кўрган отахонларда яхши гаплар кўп бўлади, – дейди бўлим мудири.

– Яхши гап бир қаридан, бир паридан чиқади, деган ҳикмат ҳам бор, – дейман мудирнинг сўзини тасдиқлаб, – ошкоралик замонику. Хатни шундайча боссангиз ҳам бўлаверади-ку.

Бўлим мудири кўпни кўрган, тажрибали йигит. Ҳақиқатни тасдиқлайдиган яна бир ҳақиқат бўлгани яхши, деган гапни айтиб, учинчи ҳақиқатни мана сиз айтасиз деб, мени Оҳангаронга боришга ундай бошлади. Кўндим.



Туман чегараси бошланиши билан Шарифхон отанинг саволларига аста-секин жавоб ҳам топаётгандек бўлдим. Ахир, ота нега минг-минг таноб ариқлар «менга терак эк», деб фарёд чекиб ётибди, деган гапларни ҳам ёзган эди. Катта йўлнинг икки чеккасига яккам-дуккам экилган, экилгандан буён қаровсиз қолиб, барги сарғайган, нимжон қадлари букилган тераклар:

– Сув!

– Сув!

– Сув, – деб зорланаётганга ўхшайди. Буғдойлари ўриб олиниб, экинга ҳозирланган майдонларга, ўркач-ўркач бўлиб ётган баландликларга кўз ташлаймиз. Катта-кичик ариқлардан сакраб-сакраб ўтиб борамиз. На бир туп терак, на бир туп дурустроқ дарахтга кўзимиз тушади. Қизиқ, ким, қачон олиб келганини ҳеч ким билмайдиган, шох-бутоғи ўсиб, алвастининг сочларидек тўзиб ётган аллақандай дарахтга кўзимиз тушади. Кўнглимизда нохушлик пайдо бўлади.

Йўлнинг икки томони гўзал бўлса, кишининг кайфияти кўтариларкан. Буни биз Шодималик зиёратгоҳидан ўтаётганда, йўл ҳаракати назорати постидан марказ томон борадиган жойда ҳафсала билан экилган теракларга кўзимиз тушганда билдик. Улар жуда-жуда оз эди. 70 километр йўлга файз-тароват бермас эди.

Оҳангарон тоғли, тоғолди туман деб таърифланади. Етиштирилаётган ширин-шакар мевалари, полиз экинлари ҳосилдорлиги, халққа бераётган тонна-тонна суту қаймоқлари ўзга туманлардан асло қолишмайди. Айниқса, воҳа кишилари бу йил давлат эҳтиёжлари учун ғалла топшириш шартномасини ошириб бажариб, ғурур билан яшаяптилар. Янги-янги режаларга иштиёқ ҳам баланд. Туманда 400 дан ортиқ фермер бор. Ҳозир улар ўртасида сафарбарлик бошланган. Буғдой экиш авжида, туманнинг 130 мингдан ортиқ аҳолиси ризқ-рўзимизнинг манбаи бўлган буғдой экишга ўзини сафарбар деб билган. Шарифбой отанинг 14 саволидан яна бирига жавоб қайтарадиган раҳбарлар билан учрашиш ниятидамиз.

– Фермерлар уюшмаси раиси керак эди, – деймиз.

– Далада, – деган жавобни оламиз

– Экология бўлимининг бошлиғичи?

– У ҳам далада бўлиши керак.

– Ўрмон хўжалиги раисичи?

– Далада деяпмиз-ку, ёзувчи амаки. Ўтган сафар ёзганингизда мен яхши-яхши маълумотларни айтиб берувдим. Мени ёзмабсиз, хафа бўлдим...

Ҳокиму муовинлар ҳамма-ҳаммаси сафарбарликда экан. Бири сув, бири уруғ, яна бири тракторларга эҳтиёт қисмлар масаласини даланинг ўзида ҳал қилиш учун ишнинг тепасига жўнаб кетишган экан. Шундай бўлса ҳам котиб ўғлим менга яхшилик қилди. Далани, фермерлар ҳаракатини яхши биладиган бир ҳушёргина йигитни ҳамроҳ қилиб берди.

Аввало 14 саволни кўндаланг қилиб қўйган Шарифбой ота билан учрашмоқчи бўлдик. Йўқ, ишимиз ўнгидан келмади. Олтиариқдаги "Чоллар санаторийсига кампири билан кетибди". Ҳар йили шу пайтда жўнаб кетаркан. Қўшнилар билан гаплашдик. Шариф ота куйди-пишди одам экан. Ҳ-ў, бирда ариққа сув келмай қолганда, юқорига хат ёзиб, маҳаллани сувга қондирган экан. Мен суҳбатлашаётган йигитга отадан хат борлигини айтдим.

– Терак ҳақида ёзибдиларми, – шошилиб сўради йигит.

– Ҳа, терак, ёғоч ҳақида ёзибдилар.

– Амаки, шу ҳақда ёзиш учун ёздан буён ҳаракат қилиб юрувдилар, ҳатто ривоятлар ҳам йиғиб, бизга айтиб турувдилар. Ўша ривоятни ҳам ёзибдиларми?

– Йўқ, хатда ривоят ҳақида гап йўқ.

– Эсизгина, – деди йигит ачинган бўлиб. – Кўп яхши ривоят эди-я.

– Сизга ҳам айтиб берганми ўша ривоятни.

– Битта менга эмас, ҳаммамизга айтган.

Сўзлашаётган йигит адабиёт муаллими экан, отанинг ривоятини жон-жон деб айтиб бераман, деди...

(Давоми 4-бетда).

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

**Зангиота тумани, Ўзгариш қишлоғининг ички кўчалари навбати билан таъмирланаётгани ҳайдовчи ва пиёдалар учун катта қулайлик яратмоқда.**

Туман ҳокимлигининг ёрдами билан "Жалойир", "Белариқ", "Файзли", Ҳ. Абдуллаев маҳаллалари кўчаларининг 5 километрдан зиёд қисми асфальтланганидан аҳолининг қувончи чексиз.

Шунингдек, Ҳусан Абдуллаев, "Пастдархон", "Жалойир" маҳаллаларидаги электр симёғочлари ҳашар йўли билан алмаштирилгач, кўчалар кўрки янада очилди.

**Ўз мухбиримиз.**

### БАНК ТАШАББУСИ БИЛАН

**"Ҳамкор банк" Янгийўл тумани филиали ташкил этган матбуот анжуманида банкнинг республика ва вилоят бошқармаси мутахассислари, кўп йиллардан буён банк билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркор ва фермерлар иштирок этишди.**

Тадбир давомида "Ҳамкор банк"нинг янги логотипи тақдимоти бўлиб ўтди. Шунингдек, мижозларга яратилаётган қўшимча қулайликлар, янги хизмат турлари, имтиёзли кредитлар олиш шартлари ва йўлйўриқлари юзасидан ахборот берилди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

Газетада босилмади, аммо...

### ҚАРЗИНИ УЗИШГА БИРОЗ ВАҚТ БЕРИЛДИ

**Бекобод туманидаги "Сарчашма зиёси" хусусий корхонаси раҳбари К. Мавлоновадан республика "Марказий банк"и кредит қарзларини тўлашни қистаб, босим ўтказаётгани ҳақида таҳририятга шикоят хати келган эди.**

Ушбу ариза юзасидан "Марказий банк" раисининг биринчи ўринбосари У. Мустафоев имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда маълум қилинишича, шикоят хати К. Мавлонова билан учрашилган ҳолда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига мувофиқ К. Мавлоновага тегишли тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, К. Мавлонова шикоят аризасида келтирилган ҳолатларни жаҳл устида ёзганлиги, банк иш фаолияти ва ходимларига ҳеч қандай эътирози йўқлигини тушунтириш хатида баён этди.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 сенятбрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига кўра мамлакатимиз маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"**

**Бурибеков Анвархўжа Бахҳаувович** – Қибрай туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Танжарова Рано Акрамовна** – Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежининг чизмачилик фани ўқитувчиси

**II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан**

**Мусаев Абдурашит Ибрахимович** – Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг эшкак эшиш бўлими бош мураббийи

**"Дўстлик" ордени билан**

**Мирзоқулов Холмухаммат Турсунбоевич** – Бекобод саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**"Шуҳрат" медали билан**

**Бахрамова Мархабо Кучкаровна** – Зангиота туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Икрамова Муяссар Эралиевна** – Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Қаландарова Майрам Жўраевна** – Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Умарова Нилуфар Закириллаевна** – Ангрен политехника касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

**Чиноз туманидаги 2-умумтаълим мактабига 15 йилдан буён тажрибали педагог, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" Фаридахон Иброҳимова раҳбарлик қилади. 37 йил давомида у ўқитган ўқувчиларию шогирдларининг сон-саноғи йўқ. Ўз мактабини нафақат туман, балки вилоятда, ҳатто республикада энг яхши, энг ташаббускор деган номлар билан аталиши учун жон куйдирган фидойи устоз билан суҳбатлашар эканмиз, жамоаси, ўқувчилари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди.**



## ЭНГ ЯХШИ МАКТАБЛАРДАН БИРИ...

- Ҳозир мактабимизда 930 ўқувчи, 50 ўқитувчи бўлиб, 30 синфнинг 12 тасида "Она тили ва адабиёти", "Рус тили ва адабиёти", "Инглиз тили", "Математика" фанлари чуқурлаштирилган усулда ўқитилади. Дарслар икки тилда олиб борилгани учунми, ўқувчиларимиз анча зийрак. Ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган синфларда турли миллат вакиллари бор. Дўстона муносабатлар аввало мактабда шаклланади. Бизда бунга шароитлар етарли. 44 ўқитувчимиз олий маълумотли. Улар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун доимий изланишда. Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида иш олиб боришади. Натижа ҳам ёмон эмас. Ҳар йили 2-3 ўқувчимиз фан олимпиадалари республика босқичларида ғолиб бўлиб, олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинмоқда. Бу йил сентябрдан бошлаб, 1-синфларда инглиз тилидан сабоқ берила бошланди.

Мактаб директорининг сўзлари бежиз эмас. Ёшлар таълим-тарбиясида кенг жамоатчиликнинг роли, ўрнига алоҳида аҳамият берилаётгани боис, оила, маҳалла, мактаб ва бошқа таълим-тарбия муассасалари ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ўқувчилар, айниқса қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳам айтишга арзигулик. "Ораста қизлар", "Отам, онам ва мен", "Энг яхши синф" каби танлов, тўгараклар мунтазам ишламоқда. Яқинда "Зулфия мукофотига номзодлар" танловини ўтказиш режалаштирилган.

Қисқаси, ҳам оила, ҳам давлат ишини уддалаётган фидойи раҳбар, ўқитувчи Фаридахон Иброҳимова ўз халқига хизмат қиладиган баркамол фарзандлар онаси, саранжом-саришта обод хонадон бекаси сифатида эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда университетларнинг журналистика факультетлари билан ҳамкорликда "Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

# ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Унда мустақил ОАВни ҳар томонлама ривожлантириш, янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, журналистларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси кафолатлари ҳамда журналист кадрларни тайёрлаш ҳамда олий таълим даргоҳларида медиатаълим тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва ЮНИСЕФ каби ташкилотлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар журналистларнинг турли соҳаларга ихтисослашувига имкон бермоқда.

– Бу ишларни етарли деб бўлмайди, албатта, – деди фонд етакчи мутахассиси Мирвоҳид Миркомилов. – Чунки аксарият журналистларнинг касб маҳорати талаб даражасида эмас. Улар мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги туфайли ҳудудий босма нашрларда давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилишга доир чуқур таҳлилий мақолалар камдан-кам чоп этиляпти. Жаҳон ахборот соҳасини ўрганиш, тажриба алмашиш, мамлакатимиз журналистларининг етакчи хорижий нашрларда малака ошириши масалалари ҳамон ўч ечимини кутяпти.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Пахта – 2013




# ХИРМОНГА БАРАКА КИРАЯПТИ

**Бекобод тумани пахта далаларида 166 та йиғим-терим отряди туну кун ҳаракатда. Улар кучи билан кунига 1500 тоннадан зиёд пахта терилиб, қабул манзилларига етказиб берилмоқда.**

– 188-отряд тумандаги энг намунали отряддардан бири, – дейди туман ҳокими ўринбосари Фарҳод Мўминов. – Кеча бу отряднинг ҳар бир аъзоси ўртача 83 килограммдан пахта терди.

Отряд раҳбари Тожиқул Норматов билан пахта майдонини айландик. Пахтазор оппоқ денгизни эслатади. Отряд аъзолари оқ денгизда сузиб бораётгандек гўё.

– Бизнинг отрядимизга 87 гектар ер бириктирилган, – дейди Т. Норматов. – Терим бошланганига 10 кундан ошган бўлса-да, бириктирилган майдоннинг ярмини териб бўлдик, холос. Бу эса ҳосилнинг ниҳоятда мўллигидан дарак беради. Биринчи теримдаёқ гектаридан қарийб 35 центнердан ҳосил чиқмоқда.

Отряд бошлиғининг гапига қараганда, теримчиларга барча шароитлар яратиб берилгани боис кунлик суръат юқори. Кундалик терим пуллари кунда бериб борилмоқда, илғорларни фермер хўжалиги рағбатлантирмоқда. Терилган пахта илгари фақат тушлик ва кечки пайт тортиб олинар, бу эса соатлаб навбат кутишни тақозо этиб, тарозибонга ҳам, теримчиларга ҳам ноқулайлик туғдирарди. Энди терилган пахта кун давомида пешма-пеш тарозидан ўтказилаяпти.

Хуллас, Т. Норматов бошлиқ 188-отрядда энг мукаммал йиғим-терим тизими ташкил этилганини кўрдик. Қобилжон Қўлдошев, Одилжон Худойназаров раҳбарлик қилаётган отрядларда ҳам бўлиб, туманда йиғим-терим яхши йўлга қўйилгани, шу боис хирмонга барака қираётганига гувоҳ бўлдик.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** отряд раҳбари Тожиқул Норматов илғор теримчилар билан.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Ширкатларда нима гап?

# МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ

**Таҳририятимизга муштарийлардан кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатлар фаолиятига доир гоҳида шикоят, гоҳида миннатдорлик мазмунидаги мурожаатлар келиб туради. Кимдир ёғин-сочинли кунларда томидан чакка ўтишидан нолиса, яна бир газетхон қишда совуқдан азият чекиши ҳақида куюниб ёзади. "Ширкатимизга янги раҳбар сайлангач, кўпгина муаммолар ҳал этилаяпти", дея миннатдорлик мактуби йўллайдиганлар ҳам бор. Ширкатлардаги бугунги аҳвол, хизмат кўрсатишдаги янгиликлару камчиликлар ҳақида вилоят хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқарув раиси Зафар Мўминовни суҳбатга тортдик.**

– Маълумот ўрнида айтишим мумкинки, уюшмамиз 2006 йилда ташкил топган, – дея суҳбатни бошлади раис. – Ҳозир вилоят бўйича 3936 та кўп қаватли уйга 453 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатмоқда.

**– Кўп йиғилишларда фуқароларнинг ширкатлардан қарзи кўпайиб кетаётгани бот-бот муҳокама қилиняпти. Вазият шу даражада чигалми?**

– Бу бизнинг энг оғриқли нуқтамиз. Ширкатлар ҳар қанча ҳаракат қилгани билан барибир барча муаммолар молиявий масалага бориб тақалади. Фуқароларнинг ширкатлар учун ойлик тўловларни тўлашга оғринишлари, бунга масъулиятсизлик билан қарашлари айниқса дилни хуфтон қилади. Тўловларнинг ўз вақтида тушмаслиги ширкатлар ишига акс таъсир кўрсатаяпти. Уйларнинг таъмирталаблиги, ертўлалардаги ачинарли аҳвол, қувурларнинг ёрилиши, томлардан чакка ўтишлар...

Бугунги кунда вилоят бўйича фуқароларнинг хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан қарзи 3 миллиард 560 минг сўмга етди. Шундан 1,5 миллиард сўми Ангрен шаҳри ҳиссасига тўғри келяпти. Чирчиқ шаҳри аҳолисининг қарзи 490 миллион сўмга бориб қолди. Янгийўлда 353 миллион сўм бўлса, Оҳангаронники 334 миллион сўм.

Агар таҳлил қиладиган бўлсак, қарзларнинг 70 фоизи ижарачилар, уйни сотиб олган-у, лекин яшамайдиганлар ҳамда кам таъминланганлар зиммасига тўғри келяпти. Яшаб туриб, тўламайдиганлар ҳам йўқ эмас.

**– Қарздорликни камайтириш учун нима қилаяпсизлар?**

– Шу соҳада 20 йиллик тажрибам борлиги учун қарздорликни камайтириш, ширкатлар ишини жонлантиришга оид қатор чора-тадбирларни таклиф қилаяпман. Шу мақсадда республикада биринчи бўлиб Ангрен шаҳри хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси қошида паспорт бўлимини ташкил этдик. Бошида бу ташаббусимиз иш берармикан, кўзлаган мақсадимизга эришармиканмиз, деган ҳадик бор эди. Паспорт бўлими уй олди-сотди шартномалари, ишхона, боғча, нотариус учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришда бевосита иштирок этади. Сўралган жойларга ширкатдан қарзи бор ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этади. Қарздор хонадон эгаси иши битиши учун паспорт бўлимига мурожаат қилади, истаса-истамаса ширкат тўловларини тўлашга мажбур бўлади.

Паспорт бўлимида Шоҳида Исмоилова ва Элвира Бегматова каби 4 малакали ходим ишлаяпти.

Бўлим фаолияти йўлга қўйилгач, вазият яхши томонга ўзгарди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Ангрен шаҳридаги қарздорлик 112 миллион сўмга камайди.

Ташаббусимиз ўзини оқлади, энди Чирчиқ ва Оҳангаронда ҳам шундай паспорт бўлимларини очишни мўлжаллаганмиз.

Бўлим мебель билан тўлиқ жиҳозланган, лекин компьютер жамланмаси етишмай турибди. Шу масалани ҳам ҳал этсак, иш янада олдинга силжирди.

**– Хизмат сафари билан шаҳар ва туманларга борганимизда, кўп қаватли уйларнинг томларига полизол қопламаси ёпилаётганини кўряпмиз...**

– Ўтган йилдан бошлаб томларни ёпишда қора қоғоз ва битумдан воз кечиб, полизол қопламасига ўтилди. Бу ҳам ширкатдагилар учун, ҳам аҳоли учун катта қулайлик бўлди. Илгариги қоплама 3 йил, нари борса 4 йилга етарди, холос. Ишлаб чиқарувчилар полизол маҳсулотини 10-12 йил бемалол хизмат кўрсатади, дея таъриф беришяпти.

Агар ҳисоблаб кўрилса, авваллари 4 йўлакдан иборат 4 қаватли уйнинг 1200 квадрат метр томини қора қоғоз ва битум билан ёпиш 16 миллион сўмга тушарди. Бу ишни 5 киши 10 кунда аранг битирарди. Ҳозир шунча майдонни полизол билан қоплашга 9-9,5 миллион сўм сарф бўлиб, 2 киши бемалол 3 кунда уддалаяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, илгариги қопламани ётқизишда жароҳат олиш ва куйиш ҳолатлари бўлиб турарди. Энди эса, ҳам ишчи кучи, ҳам вақт, ҳам маблағ тежаляпти. Энг асосийси, фуқаролар кўп йиллар сифатли том остида яшаш имконига эга бўлишди. Полизолнинг афзал томони шундаки, у қуёш нурини қайтаради. Илгари қора қоғоз ва битум қопламаси иссиқ кунларда эриб, юмшаб қоларди. Қишда эса, ёриқлар пайдо бўлгани учун чакка ўтарди.

Шаҳарлар мисолида олганда, ўтган йили 676 та уй, бу йил эса, 887 та уй томига полизол қопланди. Бунда ҳомийлар, банк, корхона ва ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

**– Куз-қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўриляпти?**

– Ҳозир 1501 та кўп қаватли уйни мукаммал таъмирлаш давлат дастурига киритилган бўлиб, бунинг учун 5 миллиард 109 миллион 600 минг сўм ажратилди. Шундан 3 миллиард 512 миллиони ширкатлар ҳисобидан бўлса, 867 миллион сўми банкларнинг молиявий кўмагидир. Ҳомийлар эса, 737 миллион сўм ажратди. Шу кунга қадар 60-70 фоиз иш бажарилди. Бундан ташқари, 594 та уйнинг 114 минг 307 погон метр иссиқлик тизими таъмирланди. 533 уйнинг 47 минг 496 погон метр совуқ сув ва канализация тармоқлари ҳам мавсумга тахт қилинди. 1327 та кириш йўлаклари оқланиб, 1019 та эшик ўрнатилди. 4213 квадрат метр ойна алмаштирилди. 102 та чиқинди ташлаш пунктлари қурилиб, борлари тартибга келтирилди. 152 та болалар майдончаси таъмирланди. 102 та уйнинг фасад қисмлари кўркам қиёфага келтирилди. 1040 уйнинг ён-атрофига 34 минг туп манзарали ва мевали дарахтлар экилди.

Бундан ташқари, 1991 йилгача қурилган 65 та кўп қаватли уйни таъмирлаш ҳам режалаштирилган. Вилоят бўйича 4221 та шундай уй бор. Ҳозир уйларнинг фасад қисмини бўяшда зангори рангдан кўпроқ фойдаланиляпти.

**– Ширкатларнинг фаолиятидан кўнглингиз тўлаяптими?**

– Қанийди шундай бўлса. Лекин мақташга арзигулик ширкатларимиз ҳам бор. Олмалиқ шаҳридаги "Порлоқ", "Уй-жой хизмати", Оҳангарон туманидаги "Солнечный", "Оҳангарон меҳнат" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига раҳбарлик қилаётган Тангриберди Жонсаидов, Абдураҳим Юсупов, Нина Юнда, Тозагул Касжанова кабиларнинг меҳнаткашлиги, жонкуярлиги, ташаббускорлиги бошқаларга ўрнак бўларли. Уларнинг ҳеч бири "мендан кетгунча, эгасига етгунча" ёки фақат ҳисобот учун ишламайди. Шу сабаб ширкатлари ишида катта муаммолар йўқ.

Лекин, беш қўл баробар бўлмаганидек, яхши ишламаётган ширкатлар ҳам йўқ эмас. Бундай ширкатлар Бекобод, Янгийўл ва Ангрен шаҳарларида талайгина. Янгийўл туманидаги 70 фоиз ширкатнинг иши қониқарсиз бўлиб, уларнинг иш тизимини буткул ўзгартиришга тўғри келяпти. Раҳбарларнинг ўз вазифасига совуққонлиги ишни тўғри ташкил этолмаслиги натижасида қарзлар кўпайиб боряпти, барча ишлар ўлда-жўлда. Буларнинг барини ширкатлар тасодифий кишиларнинг қўлига ўтиб қолгани билан изоҳлаш мумкин. Айрим раҳбарлар ҳатто қайси соҳада ишлаётганини ҳам билишмайди. На бир муҳандислик-коммуникациядан хабарлари бор, на бир хизмат кўрсатиш тизимини тушунишади. Шу боис ширкат раҳбарларининг билимини ошириш, кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Ўзкоммунхизмат" агентлигида ўқитилиб, сертификатлар берилди.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири**
**Хуршида ТУРСУНБОЕВА суҳбатлашди.**

Қишлоқ мулкдорлари

# ҲАР ҚАРИЧИ АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ

**Фермер – нафақат пахта, ғалла етиштирувчи субъект балки хусусий мулкдор, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона эгаси сифатида шаклланиши зарурлигини бугун ҳар томонлама жадал ривожланиб бораётган жамиятнинг ўзи тақозо этмоқда.**

Бу эса ўз навбатида, фермерлик ҳаракати ривожига янада жўшқинлик бахш этади. Аграр соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар, мамлакатимиз раҳбарияти яратиб бераётган имтиёз ва имкониятлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эл манфаатини ўз манфаати деб билган пискентлик Самрон Мирзаев касбига астойдил интилган иқтисодчи, ерга меҳр қўйган илғор фермерлардан бири. Ҳаёт тарзи оддий, эрта тонг шошилганча далага отланиб, қоронғу тушганда қайтиб, бугунги ишларнинг сарҳисобини қилади. Бажарилиши шарт эртанги зарур юмушлар режасини тузади. Шунинг учун тиниб-тинчимас Самрон Мирзаевга қишлоқдагиларнинг ҳаваси келади.

Бугунги кунда у хўжалигида меҳнат қилаётган 18 оиланинг турмуш фаровонлигига масъул. Ҳалоллик ва одилликка суянган ҳолда иш тутишга интилади. "Ҳалоллик – қут-барака калити" дейди фермер. Эл-юрт фаровонлигини ўйлаган, кўпнинг олқишига сазовор бўлаётган Самрон Мирзаев ишлаб топилаётган маблағларни нафақат ишчи-хизматчилар эҳтиёжи ва хўжаликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, балки хайр-саховат ишларига сарфлашни ҳам канда қилмайди.

– Менинг болалигим мана шу пахта далаларида ўтди, – дейди С. Мирзаев. – Ўртоқларим билан ким ўзарга пахта терардик. – Ҳаммадан ўзардим, тенгдошларимга ёрдам берардим. Истиқлол ҳаммага фаровонлик келтирди. Менга Юртбошимизнинг: "Агар мен қайта бу оламга келганимда фермер бўлардим", – деган гаплари жуда катта қувват бахш этади. Бу биз фермерларга берилган юксак ишонч.

Бугун туман қишлоқларида фермер хўжаликларига барча соҳалар бўйича замонавий хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси тўла шаклланиб улгурди десак, муболаға бўлмайди. Самрон Мирзаев дала шийпони ёнидан шилдираб оқаётган зилол сувни кафтига тўлдириб, аста сипқоради. Шундай озод ва обод юртда меҳнат қилиб, эл корига яраётганига шукр қилади. Осмонда учиб юрган қушнинг ҳам ризқи ерда дейишади. Яшаб турган манзилидаги бир қарич ер нақадар қадрли ва азиз эканини Самрон Мирзаев яхши билади. Зеро, деҳқоннинг хазинаси – ер.

**Наргиза МАМАТҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Қибрай молия-иқтисодиёт коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ва туман кенгашлари "Мустақиллик йилларида амалга оширилган демократик ўзгаришлар ва фуқаролар сиёсий маданиятини шакллантириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.**

# КОЛЛЕЖДА ДАВРА СУҲБАТИ

Вилоятдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, республика Оила илмий-амалий маркази вилоят бўлими вакиллари, шунингдек, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП масъул ходимлари, партиянинг "Истиқлол ёшлари" ва "Фаол аёллар" қаноти аъзолари коллеж ўқитувчилари ҳамда ота-оналар мамлакатимизда ёшлар тарбиясига берилаётган эътибор ва ғамхўрликларни таъкидлаш билан бирга навбатдаги вазифалар ҳақида фикр билдирдилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЮҚОРИ СИФАТ ОМИЛИ

Мисол учун, Самарқанд вилоятининг Жума ҳамда Тошкент вилоятининг Ўзбекистон пахта тозалаш корхоналарига замонавий автоматлаштирилган тизим мажмуалари ўрнатилгани самарасида ишлаб чиқариш ҳажми 15-30 фоиз ошди. 2012 йил ҳосилини қайта ишлаш натижаларига кўра, "Бухоропахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги корхоналар 3 миллиард 510 миллион сўм, "Фарғонапахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги корхоналар 2 миллиард 48 миллион сўм қўшимча даромад олишга эришди.

Навоий ва Қизилтепа пахта тозалаш корхоналарида бажарилган реконструкция ишлари туфайли янги, замонавий тозалаш агрегатлари ўрнатилиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси камайтирилди. Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон пахта тозалаш корхонасига Хитойда ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган тизим мажмуаси ўрнатилди. Натижада барча пахта тайёрлов пунктларида ҳосилни қуруқ ва сифатли сақлашга эришилмоқда.

Замонавий технологияларни қўллаш туфайли эришилган асосий кўрсаткичлардан бири электр энергиясининг тежалишидир. Бунда бир тонна тола ишлаб чиқаришга сарфланадиган солиштирма энергия сарфи ўртача 25-27 фоизга камайган.

Тизим корхоналарида ўрнатилган замонавий, юқори технологик линиялар ҳисобидан ишлаб чиқариш унумдорлиги 22 фоиз кўпайиб, пахта толасининг 1-, 2-навларини ишлаб чиқаришда "олий" ва "яхши" синфлар улушини 85 фоизгача етказиш, маҳсулот сифат кўрсаткичини 11 фоиздан оширишга эришилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган пахта толаси ва бошқа маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини юқори даражага етказишда уюшманинг барча ҳудудий бирлашмаларига ISO 9001 халқаро стандартининг тегишли талабларига жавоб берувчи сифат менежменти системасининг жорий этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш орқали корхоналар иш унумдорлигини ошириш, айниқса, тола ва момиқ ишлаб чиқариш сифатини янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, қийин тозаланадиган селекция навларига мансуб пахта хомашёсидан олинаётган олий ва яхши сифатли тола улушини кўпайтириш ҳамда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, пахта хомашёсини қуритиш учун ишлатиб келинаётган унумдорлиги паст, газ ва суюқ ёнилғида ишловчи генераторлар ўрнига универсал, иссиқлик берувчи юзга яқин генератор ўрнатилди. Тозалаш унумдорлиги паст тозалагичлар замон талабига мос келадиган унумдорлиги юқори "ХК" ва "УХК" линияларига алмаштирилди. Натижада жойларда ўртача бир кунлик ишлаб чиқариш 8 тоннадан 20 тоннагача ошишига эришилди. "Олий" синфга мансуб тола 5 фоизга, "яхши" синфга мансуб тола улуши 7 фоизга кўтарилди.

Уюшма тизимидаги корхоналар томонидан уруғлик чигит тайёрлаш, пахта заводлари ва уруғлик чигит тайёрловчи цехлар учун аспирацион тизимлар, учқун ўчиргич, пахта толаси ва линти учун контейнерлар, терим машиналари ҳамда пахтани қайта ишлаш агрегатлари учун эҳтиёт қисмлар – жами икки юздан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда тизимда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатнинг бошқа тармоқлари билан кооператив алоқаларни ривожлантириш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрда қабул қилинган "Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тизимда уруғчиликни ривожлантиришда дастуриламал бўлаётир. Қарорга кўра, пахта тозалаш корхоналарида замонавий, модернизациялаштирилган ва хорижий давлатлар ускуналари билан жиҳозланган уруғлик чигит цехлари ишга туширилди. Натижада уруғлик сифати ва унувчанлигини яхшилашга, унинг ҳар бир гектарга сарфланадиган миқдорини 20-30 фоиз қисқартиришга ҳамда уруғлик фондини йилига 50-60 минг тонна тежаш имконияти яратилди.

Шу кунларда "Ўзпахтасаноат" уюшмасида IX Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг юқори савияда ўтишини таъминлаш, 2013 йил пахта ҳосилини қабул қилиш ва сифатли сақлаш учун пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бирлашмалар тизимидаги пахта қабул қилиш пунктлари, тегишли агрегатлар зарур техник жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, тизимдаги лабораторияларга пахта хомашёсини қабул қилиш жараёнида сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун зарур ускуналар, пахта намлиги, ғарамлар ҳароратини ўлчайдиган ўлчагичлар етказиб берилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саховат

# ҲОМИЙЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА





**Вилоятимизда яна бир хайрли анъана қарор топиб, жойларда изчил давом эттирилмоқда. Ҳомий ташкилотлар вакиллари навбати билан «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларига ташриф буюришиб, бир пиёла чой устида суҳбат қуришиб, эсдалик совғалари тақдим этмоқдалар.**

Шундай хайрли тадбирлардан бири вилоят руҳий-жисмоний ривожланишда нуқсони бор болалар уйида ташкил этилди. Қибрай туман ҳокимлиги тарбияланувчилар ҳамда тадбирга таклиф этилган отахонлар учун байрамона дастурхон тузади. "INTER ROHAT" қўшма корхонаси болалар уйига SAMSUNG русумли автомат кир ювиш машинаси совға қилди.

**"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Ғазалкент шаҳридаги 6-мактаб-интернатда меҳр-мурувват тадбири ўтказилди.**

# МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, қатор корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ҳомийлар иштирок этган тадбирда ўқув муассасасида таълим-тарбия олаётган болажонлар учун тайёрланган маданий-маърифий дастур намойиш этилди. Тадбир сўнгида дастурхон ёзилиб, тарбияланувчиларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Бундай меҳр-мурувват ва саховат тадбирлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Умида ИСАЕВА.**

ЭЪЛОНЛАР

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 1-423-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Хумсан" Қ.Ф.Й., "Қизил Чорва" қишлоғида жойлашган дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 297 420 608. 2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 30.08.2013 й. № 10-1218/13588-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Арслонбоб кўчаси, 8-уйда жойлашган 1 ва 2 қаватли ертўлали иккита бино Блок 1 ва Блок 2. Бошланғич баҳоси – 528 126 501. Аукцион савдоси 2013 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 23-1207/4636, 24.12.2012 й. № 23-1207/14457(11)-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Жанубий Шарқий саноат ҳудудидаги, Проектная кўчаси, Г-44 уйда жойлашган қуйидаги мол мулклар: 1. 800 кв.м (2799,0 м.куб) бўлган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 322 867 643 сўм. 2. 1021 кв.м (3369,0 м.куб) бўлган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 193 000 171 сўм. 3. 969 кв.м (6299,0 м.куб) бўлган цех биноси. Бошланғич баҳоси – 534 835 224 сўм. 4. 716 кв.м (2148,0 м.куб) бўлган омбор биноси. Бошланғич баҳоси – 120 260 430 сўм. 5. 189 кв.м (567,0 м.куб) бўлган ошхона биноси. Бошланғич баҳоси – 61 390 055 сўм. 6. -345,0 кв.м бўлган гараж биноси. Бошланғич баҳоси – 259 715 245 сўм. 7. 371 кв.м (1597,0 м.куб) бўлган омбор биноси. Бошланғич баҳоси – 98 315 936 сўм. 8. -73,0 кв.м бўлган навес. Бошланғич баҳоси – 4 532 655 сўм. 9. 54 кв.м (208,0 м.куб) бўлган трансформатор. Бошланғич баҳоси – 27 758 831 сўм. 10. 21 кв.м (63,0 м.куб) бўлган қоровулхона биноси. Бошланғич баҳоси – 9 420 973 сўм. 11. -баландлиги 2,50 м бўлган 300 м. темирбетон қўрғони. Бошланғич баҳоси – 27 977 633 сўм. 12. 2759 кв.м (17 106,0 м.куб) бўлган цех биноси. Бошланғич баҳоси – 972 277 956 сўм. 13. -22,5 м. куб бўлган 2 дона темир дарвоза. Бошланғич баҳоси – 6 334 445 сўм. 14. -14,0 м.куб бўлган 1 дона темир дарвоза. Бошланғич баҳоси – 1 689 185 сўм. 15. -7500,0 м.куб бўлган асфальтобетонная покрытия. Бошланғич баҳоси – 65 830 278 сўм. 4. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 23-1207/4636, 24.12.2012 й. № 23-1207/14457(11)-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 7-уйда ва Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси, 30/79-А уйда жойлашган қуйидаги мол-мулклар: 1. 38 кв.м (125,0 куб) бўлган АЗС-оператор биноси. Бошланғич баҳоси – 17 708 160 сўм. 2. Заправочные островки. Бошланғич баҳоси – 8 368 757 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 11 Z 8304. Бошланғич баҳоси – 485 207 сўм. 2. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч. "Ваз 2101" д.р. 11 А 0487. Бошланғич баҳоси – 542 659 сўм. 3. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 13.11.2012 й. № 1-257-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д.р. 10 Х 213 АА. Бошланғич баҳоси – 613 841 сўм. 4. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч. "Газ-2417" д.р. 11 М 0152. Бошланғич баҳоси – 873 864 сўм. Бўстонлиқ тумани Ғазалкент 2 "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. 5. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и.ч. "Т28х4М" д.р. 1907 ЕР. Бошланғич баҳоси – 1 935 932 сўм. 6. Бўка тумани СИБ томонидан 20.01.2012 й. № 2-165/03-12-сонли ижро ҳужжатига асосан "Мотор эҳтиёт қисмлари". Бошланғич баҳоси – 318 279 260 сўм. 7. Зангиота тумани СИБ томонидан № 10145-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Тиркама" д.р. 4804 AY. Бошланғич баҳоси – 27 844 759 сўм. "Арқ булоқ" ТИФ божхона пости. 8. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 25.01.2013 й. № 672/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 2002 й. и.ч. "Мерседес Бенц С240" д.р. 10 Р 479 FA. Бошланғич баҳоси – 43 890 000 сўм. 9. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 25.01.2013 й. № 671/15-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "BMW" д.р. 01 Z 091 CA. Бошланғич баҳоси – 39 900 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 14 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 10. Чилонзор тумани СИБ томонидан 24.05.2013 й. № 10-1303/2261-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Дамас" д.р. 01 469 НАА. Бошланғич баҳоси – 26 655 511,30 сўм. 11. Чилонзор тумани СИБ томонидан 24.05.2013 й. № 10-1303/2261-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 690 ССА. Бошланғич баҳоси – 22 149 071,40 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 28 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

## Тошкент вилояти Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи аҳоли диққатига!

**Тошкент вилояти Молия бошқармасининг 2013 йил 1 апрелдаги № ТВ 08-11-3-2013/1 сонли реестрига асосан (қўшимча қиймат солиғисиз) ичимлик ва оқова сувига бўлган нархлар қуйидагича белгиланади:**

***Ичимлик сувига 1м3***
***Аҳоли – 148 сўм***
***Бюджет ташкилотларига – 531 сўм***
***Корхона, ташкилот ва муассасаларга – 765 сўм***
***Оқова сувига 1м3***
***Аҳоли – 104 сўм***
***Бюджет ташкилотларига – 207 сўм***
***Корхона, ташкилот ва муассасаларга – 501 сўм***

**ВУ-1 туманлараро "SUVOQOVA" ИЧШК.**

## Тошкент вилояти Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи аҳоли диққатига!

**Тошкент вилояти Молия бошқармасининг 2013 йил 15 сентябрдаги № ТВ 08-11-3-2013/2 сонли реестрига асосан 2013 йил 1 октябрдан (қўшимча қиймат солиғисиз) ичимлик ва оқова сувига бўлган нархлар қуйидагича белгиланади:**

***Ичимлик сувига 1м3***
***Аҳоли – 176 сўм***
***Бюджет ташкилотларига – 595 сўм***
***Корхона, ташкилот ва муассасаларга – 811 сўм***
***Оқова сувига 1м3***
***Аҳоли – 120 сўм***
***Бюджет ташкилотларига – 223 сўм***
***Корхона, ташкилот ва муассасаларга – 506 сўм***

**ВУ-1 туманлараро "SUVOQOVA" ИЧШК.**




**"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 22 май 42-сонида чоп этилган "Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маъмурий биносини таъмирлаш учун корхона ва ташкилотларни тендерда қатнашиш"га берилган эълони БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2013 йил 31 октябрь куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан 2010 йил 30 июлдаги 1-1241/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган, 1989 йилда и/ч., дав. бел. 30 О 0935 бўлган "ИЖ-125" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 1 920 000 сўм. 2. Чилонзор туман СИБ томонидан 2012 йил 21 июндаги 725/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, 16 кв., 25-5-уйда сақланаётган, 1993 йилда и/ч., дав. бел. 01 Т 669 DA бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 529 000 сўм.

2013 йил 15 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 30 N 79-77 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 924 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 909 ВА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 240 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 М 157 GA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 66 041 000 сўм. 4. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 797 ВА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 393 000 сўм. II. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 02 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган: 1. 1998 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 272 DA бўлган "Леганза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 141 843 сўм. 2. 1995 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 479 КА бўлган "Эсперо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 331 074 сўм. III. Хамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган: 1. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 М 002441 бўлган "ISUZU SAZ NP37" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 621 951 сўм. 2. 1994 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 521 СА бўлган "Мерседес Бенц 100Д" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 595 083 сўм. IV. Ҳамза туман СИБ томонидан 1. 2012 йил 26 декабрдаги 1-347/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч., дав. бел. 01 551 QBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 929 215 сўм. 2. 2012 йил 23 октябрдаги 1-680/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 580 СА бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 396 500 сўм. 3. 2013 йил 12 февралдаги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 G 898 LA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 44 448 125 сўм. 4. 2013 йил 01 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 569 КА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 497 026 сўм. 5. 2013 йил 08 февралдаги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 30 R 5531 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 699 500 сўм. 6. 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 30 520 RAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 70 169 420 сўм. 7. 2013 йил 04 мартдаги 1-65-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Бутан" МЧЖга қарашли жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 769 ХАА бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 326 000 сўм. V. Суд департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан: 1. 2012 йил 6 мартдаги 279/3-сонли, 2012 йил 11 январдаги 587/11-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани "Инвест" жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 915 НАА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 50 000 000 сўм. VI. Республика суд департаменти томонидан, 2012 йил 5 мартдаги 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 AZ 010 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч., дав. бел. 10 ВЕ 430 бўлган "Камаз-5311" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 ВЕ 429 бўлган "Камаз-5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 10 ВА 712 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 767 САА бўлган "Газ-2752-414" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 321 000 сўм. 6. 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 D 770 ВА бўлган "Лексус RX 350" русумли автотранспорт воситаси Бошланғич нархи – 161 834 000 сўм. VII. Республика суд департаменти томонидан: 1. 2012 йил 23 июлдаги 1-185г/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 R 216 JA бўлган "Лексус GX470" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 160 507 000 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 701 ААА бўлган "NISSAN ALTIMA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 308 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

**Юнусобод туманидаги "DILSHOD-SHANS-AVTOTEXSERVIS" МЧЖга тегишли бўлган**

| | | | |
|---|---|---|---|
| AT 0038555 | 01 W 636 MA; | AT 0034026 | 01 M 982 MA; |
| AT 0038552 | 01 M 982 MA; | AT 0034028 | 01 V 512 CA; |
| AT 0038545 | 10 C 766 FA; | AT 0034029 | 10 C 766 FA; |
| AT 0038544 | 01 U 803 MA; | AT 0034860 | 01 O 654 MA; |
| AT 0038543 | 10 O 779 GA; | AT 0034861 | 10 P 094 CA. |
| AT 0036451 | 01 L 014 KA; | | |

**лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Юнусобод туманидаги "SEDAN AVTOTRANS" МЧЖга тегишли бўлган**

| | | | |
|---|---|---|---|
| AT 0038586 | 10 P 175 DA; | AT 0032490 | 10 Y 739 AA; |
| AT 0038585 | 01 T 779 EA; | AT 0036456 | 10 B 047 HA; |
| AT 0038578 | 10 B 599 JA; | AT 0038399 | 10 O 073 DA |
| AT 0038574 | 10 U 742 EA; | | |
| AT 0038577 | 10 K 740 JA; | | |

**лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Зангиота туманидаги "KELES LYUKS TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган**

| | | | |
|---|---|---|---|
| AT 0022101 | 01 Y 785 AA; | AT 0027193 | 10 M 771 DA; |
| AT 0027738 | 10 W 416 FA; | AT 0028111 | 10 M 715 DA; |
| AT 0028130 | 10 F 776 BA; | AT 0028738 | 10 Y 548 BA; |
| AT 0029412 | 10 B 729 EA; | AT 0029422 | 10 E 038 CA; |
| AT 0029426 | 10 B 786 CA; | AT 0032282 | 10 T 204 EA; |
| AT 0032292 | 10 P 034 GA; | AT 0032296 | 10 P 721 EA; |
| AT 0032299 | 10 Q 074 AA; | AT 0032302 | 01 K 446 GA; |
| AT 0032316 | 10 Q 215 EA; | AT 0033936 | 01 E 394 CA; |
| AT 0033952 | 10 L 097 GA; | AT 0033955 | 10 Y 823 CA; |
| AT 0033959 | 10 R 761 NA; | AT 0033962 | 10 Q 742 DA; |
| AT 0033963 | 10 N 164 BA; | AT 0033965 | 01 E 636 GA; |
| AT 0033967 | 10 S 096 FA; | AT 0034435 | 10 B 865 LA; |
| AT 0034437 | 10 J 083 DA; | AT 0034442 | 01 B 152 LA; |
| AT 0034447 | 10 W 597 CA; | AT 0034450 | 10 L 795 DA; |
| AT 0034454 | 10T 778 HA; | AT 0034459 | 01 T 134 NA; |
| AT 0034460 | 10 X 037 BA; | AT 0034467 | 10 W 416 FA; |
| AT 0034469 | 01 M 859 OA; | AT 0034471 | 10 A 957 FA; |
| AT 0034472 | 10 S 659 EA; | AT 0034473 | 10 W 058 HA; |
| AT 0034476 | 01 X 134 DA; | AT 0034478 | 10 P 796 BA; |
| AT 0034479 | 10 Y 733 DA; | AT 0034481 | 01 J 331 CA; |
| AT 0034482 | 01 X 621 CA; | AT 0034489 | 10 N 779 CA; |
| AT 0039325 | 01 V 399 CA; | AT 0039329 | 10 E 910 GA; |
| AT 0039331 | 01 U 689 DA; | AT 0039332 | 10 R 037 FA; |
| AT 0039336 | 10 O 389 GA; | | |

**лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

**Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.**

| | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370 233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +99890 123-69-71 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +99890 9592863 |
| Бекобод туман филиали: | +99890 167-43-27 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +99893 527-74-53 |
| Зангиота туман филиали: | +99890 976-47-93 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +99891 787-23-53 |
| Оҳангарон туман филиали: | +99893 508-22-99 |
| Ўртачирчиқ туман филиали: | 8-370-76-21-476 |
| Чиноз тумани филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | 8-370-71-64-617 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +99890 125-99-07 |
| Пискент туман филиали: | +99893 619-77-33 |
| Қибрай туман филиали: | +99893 613-83-16 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |
| Паркент туман филиали: | +99890 125-99-07 |

**ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ**

Гувоҳнома № 000690

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "KOINOT PREMIUM LYUKS" МЧЖ таъсисчиларининг йиғилиш баённомасига асосан устав жамғармаси 11 350 000 сўмдан 3 850 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар 346-06-60 телефон рақами орқали қабул қилинади

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "PREMIO-DEMOMAX" (ИНН 300518801) МЧЖ таъсисчиларининг йиғилиш баённомасига асосан устав жамғармаси 1 197 050 000 сўмдан 59 852 500 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар 134-33-36 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан 2007 йил 1 мартда № 2921 реестр рақами билан рўйхатга олинган "LOCHIN INVEST SERVIS" хусусий фирмаси шу ном билан ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиришини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 15-сон ЧАТС манзилида ёки 8 (37071) 4-37-24 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "AZIZ OLIM NUR" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Комолов Фируз Зоҳир ўғли"га тегишли бўлган (ИНН 602304307) бир дона думалоқ муҳр, бир дона бурчак тамғаси ва гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги 15-умумтаълим мактаби томонидан 1997-1998 ўқув йилида Мухитов Санжар Балтабаевич номига берилган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги 714632-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқори Чирчиқ тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, "Тинчлик" КФЙ, "Қипчоқ" маҳалласи манзилида жойлашган "SROCHNAYA DEZINFEKTSIYA" (ИНН 302648457) МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ** (жамият якка таъсисчисининг 27.09.2013 йилдаги қарорига асосан).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 976-45-69 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"UMIDA AND ELIZABET" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айланишини ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 2013 йил 28 январда 007849-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинишини маълум қилади.

ООО "RISOLAT BIZNES" (ИНН 301890111), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Каттабог, пр. С. Камолхон, дом-30, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 6 от 26.09.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: (+99898) 365-31-11.

"YAYPAN TEKSTIL" МЧЖ таъсисчиларининг 2013 йил 7 сентябрдаги умумий йиғилиш қарорига асосан таъсисчиларнинг таркибдан чиқиш тўғрисидаги аризалари қаноатлантирилиб, жамият низом жамғармаси 44 988 494 (қирқ тўрт миллион тўққиз юз саксон саккиз минг тўрт юз тўқсон тўрт) сўмдан 28 997 300 (йигирма саккиз миллион тўққиз юз тўқсон етти минг уч юз) сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида (+99890) 917-10-75 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Частное предприятия "FEODORA LINE" (ИНН 300007654), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента (реестр № 001492-09 от 17.10.2006г.), расположенное по адресу: массив Бешягач, дом 8-В, кв. 27, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 1 от 27.09.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Миробод туманида рўйхатга олинган "ZAMIN INVEST SAVDO" (ИНН 300821204) МЧЖнинг устав жамғармаси 1 224 864 733 сўмдан 370 825 360 сўмга камайтирилади ва корхонанинг устав жамғармаси 854 039 373 сўм деб белгиланишини маълум қилади. Тел.: (+99871) 220-81-30.

Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "ALLON BEK" (ИНН 203910252) МЧЖ таъсисчиларининг йиғилиш баённомасига асосан устав жамғармаси 287 489 100 сўмдан 273 923 447 сўмга камайишини маълум қилади.

Даъволар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси, 3-уй манзилида қабул қилинади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Қадим замонда бир кампир бўлган экан, на ўғли, на қизи бор экан, ёлғиз яшаркан. Ҳовлисида бир туп тераги бор экан. Ҳар куни шу теракни силаб-силаб, ўғлим ўрнида ўғлимсан, тўғри ўсгин, деб илтижо қиларкан.

Шу мамлакатнинг подшоси шоҳона сарой қураётган экан. Тўғри, тик ўсган дарахтни ахтариб, оламни кездирибди. Излай-излай, кампирнинг уйида тўхташибди. Кампирдан теракни сўраган экан, бу менинг ўғлим-ку, дебди кампир. Подшо адолатпарвар экан, онани рози қилиб, сўнг теракни кесинглар дебди. Эвазига бир товоқ тилла бериб юборибди. Шу бир товоқ тилла туфайли бутун қишлоқ очликдан қутулиб, жон сақлаб қолибди. Демак, теракнинг ҳам, тўғри ўсишнинг ҳам хосияти кўп экан".

Отанинг навбатдаги саволига ўтамиз: ёғоч, тахта сотадиган база борми деб кўп ахтардик, афсуски йўқ экан.

– Ёғоч-тахтани сизлар қаердан оласизлар, – деб сўрадик бир дўкон сотувчисидан.

– Ҳар ким ҳар хил йўл билан топади, – деган жавоб қайтди сотувчидан.

– Сиз-чи? Сиз қайси йўлдан топасиз?

– Мен Фарғонадан оламан.

– Атайлаб бориб келасизми?

– Йўқ, кўчадан олиб ўтаётганларида, "ДАН"даги ўртоқларимга айтаман, арзон-гаров олиб беришади, сизга керак бўлса гаплашиб беришим мумкин...

Бизга ёғоч керак эмас эди, Шарифбой ота саволига жавоб ахтариш учун фермерлар томон юрдик. Фарғона йўлида кўриб бораяпмиз, икки томонда катта-кичик фермер хўжаликлари бор. Йўл чеккаларига эса рўйхатдан ўтиб олиш учун бўлса керак, нимжон тераклар экишган. Экилганлари ҳам, деҳқонча қилиб айтадиган бўлсак, қисир-бўғоз бўлиб ўсган. Абдуҳамид Кўкиев раҳбарлик қилаётган "Беҳзод", Эркин Мирзалиев бошқараётган "Бегим хуштори" фермер хўжаликларида тўхтаб ўтгимиз келди. Шарифбой ота ҳасрат билан айтганидек, на ариқ бўйига, на марзаларга экилган на бир туп терак, на бир туп дарахт деб атаса бўладиган ниҳолни кўрдик. Марзаларни қўйинг, ариқлар бўйи ҳақида алоҳида айтмоқчимиз. Бу ариқлар: "Қани, кўчатингни олиб кел, минг туп бўлса ҳам ўзим суғориб, ўзим кўкартириб бераман, сотиб фойда кўрасан", деяётгандек. Назаримизда, Шарифбой ота шу ариқлардан чиқаётган нидоларни қоғозга туширгандай.

Ҳамроҳим чарчамайдиган йигит экан. Машинасида бензини ҳам кўп экан. Терак экмайдиган, буғдойининг ўзидангина учма-уч ҳосил олиб, фақат мана шу камгина ҳосилига кўз тикиб яшаётган яна анча фермерларга бошлаб борди. Гоҳ очиқ, гоҳ тортиниброқ суҳбатлашамиз.

– Нега терак экмайсизлар?

– Ия, бу гап шартномада йўқ-ку.

– Сиз нега терак экмайсиз?

– Ия, қизиқ экансизлар-ку, терак экиб, энди кўкартирсам олиб қўйишади-ку?



# ТЕРАКЛАР ва яна ТЕРАКЛАР ҲАҚИДА

Шунга ўхшаш баҳоналардан ҳам анча-мунчасини ёзиб олдик. Хайрият, кайфиятни кўтарадиган ҳолатларга ҳам дуч келдик. Ҳар бир ҳаракатида келажакни ўйлаб иш кўрадиган, ишчиларни етти ўлчаб бир кесишга ўргатадиган Саттор Сирбоев бошлиқ "Қаҳрамон" фермер хўжалигида бўлдик. Худди ўзлари етиштираётган мирза тераклардек, қадди-қоматли, ҳар сўзидан фикр-мулоҳаза ёғилиб турадиган Абдумалик аканинг "Эшонқулҳожи ота" фермер хўжалигида ҳам бўлдик, мириқиб суҳбатлашдик. Булар теракни қўшимча бойлик деб билишаркан. Етиштириб, пуллаб, ўзлари ҳам, ишчиларига ҳам тақсимлаб туришаркан, муҳтожларга кесиб олишларига ҳам ёрдам беришар экан. Фермерларни суҳбатга тортгимиз келди:

– Теракзорингиз каттами?

– Йўғ-е, 5 гектарча холос, – дейди Саттор ака.

– Фойдасичи?

– 5-10 миллион сўм келиб турибди.

– Абдуқаюм ота, сиздан ҳам эшитмоқчимиз.

– 2 гектар терагим бор, далаларим чеккасига экаман.

– Фойдасидан гапиринг ота, фойдасидан.

– Қўшним Сатторбекникидан кам бўлса, терак экишдан воз кечаман.

Теракдан жуда катта фойда оладиган, шу тераклари билан туманга машҳур бўлган Авазхон фермер билан учрашдик. Юзидан табассум аримайдиган, ўзига ишонч билан гапирадиган бу кишининг далаларини, теракзорларини биргалашиб бориб кўрдик. Бел боғлаб, илгари дашт бўлган, бугун боғ-чаманга айланган ерларга чиқиб келганига 20 йил бўлибди. Бир-биридан чиройли қатор-қатор уйлар, ўқувчилар учун мўъжазгина бир мактаб ҳам қурилибди. Буларнинг ҳаммаси фермер отанинг ҳаракатидан. Ақл билан иш юритганидан, энг муҳими теракдан кўпроқ фойдаланганидан.

Қизиқ, ҳар гапи ўртасида: "Бир хил экиб бой бўлгунча, ҳар хил экиб шай бўлгин" деган ҳикматни тез-тез айтиб ҳам турибди. Ва яна фермер фақатгина биргина маҳсулотига тикилиб қолса, дов-дарахтни, фойда берадиган бошқа нарсаларни кўпайтирмаса, хароб бўлади дейди. Тераклари оралаб юрамиз, менинг қўшимча бойлигим мана шулардан деб кўрсатиб боряпти ота. Теракнинг томири чуқур кетиб, зах сувларни сўриб, деҳқон учун ерни тозалаб, фильтрлаб беради, дейди.

– Энди теракларимдан келган фойдани сўраяпсизми?

– Ҳа, айтсангиз яхши бўларди, – деймиз шошилиб.

– Ишқилиб мақтанаяпти демайсизларми? Икки йилда 15 миллионлик ёғоч сотдик.

– Яна?

– Яна бир гектардаги теракларни кесишга тайёрлаб қўйдик.

– Яна?

– Яна бир гектарча ерга ниҳоллар экканмиз...

Бой фермер хўжалигида олган таассуротларимизни барибир бир дафтарга сиғдира олмас эдик. Хайрлашдик.

Ҳали хурсандлигимиз сўнмай туриб, ундан ҳам баландроқ, яна бир файзли, тароватли боғга – тасодифан эмас, ҳамроҳимнинг қистови билан бордик. Қурама тоғ ёнбағридаги "Шамшихўжа" фермер хўжалигининг раҳбари илтимос қилибди. Бу ерда кўрганимиз, гўзаллик бизни бир нафас довдиратиб қўйгандек бўлди. 5 минг туп кўчат экилган, гуриллаб ўсаяпти. "Гулнора қизим тераклари", "Дилдора қизим тераклари", "Дилноза қизим тераклари" деб ёзиб, ҳар бир майдонга тахтачалар осиб қўйилибди. Қизларнинг исмлари чиройлилигини қаранг, худди биз кўриб турган гўзалликка яна шунча гўзаллик қўшаётгандек. Фермер бойиб кетганини кўрдик. Сигир, бузоқ, қўй, эчки, ҳатто отлар ҳам бор. Ҳозиргина тухумини ташлаб чиққан катта-катта она товуқлар ашула айтиб, мақтаниб юрибди. Набираларига терак экиш учун алоҳида майдон ажратиб берибди. Ҳаммалари саф тортиб туришди. Чиройли-чиройли кийиниб олишган, юзларида қувонч ўйнаб турибди.



Тўсатдан ашула ҳам бошлаб юборишди:

*Теракдан келса бойлик,*
*Уйлар бўлар чиройлик.*
*Ниҳолларни кўп-кўп экиб,*
*Сувлар қўйиб турайлик.*

*Терак ўсар осмонга,*
*Саломи биз томонга,*
*Барглари қарсак чалар,*
*Келган азиз меҳмонга.*

Шарифбой отанинг ёзган бир хати туфайли кўпгина далаларни айландик, кўрдик. Олган таассуротларимизни туман раҳбарларига айтиб кетишни ният қилдик. Туманда катта сафарбарлик эканини биламиз. Раҳбарларни даладан топиш кераклигини айтишди. Ниҳоят, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Икром ака Файзиев билан учрашишга муяссар бўлдик. Эл улуғлаган бу киши ҳақида далада туғилган, далада улғайган, далада яшайди, марзага бош қўйиб ухлайди, деган мақтовларни ҳам эшитганмиз. Шундай бўлди ҳам. Қаттиқ-қаттиқ гапирадиган қувноқ бу киши билан фермернинг даласида топишдик. Икром ака гоҳо бир оғиз сўзи билан ташвишга ботиб келган фермерни рағбатлантирадиган, кўнглини кўтарадиган киши. Фермерлар шунинг учун унинг ёнига тез-тез боришни, далаларига тез-тез таклиф қилишни яхши кўришса керак. Учрашган жойимизда салом-алик ҳам қисқагина бўлди. Қулоғида телефон, тез-тез гапиряпти:

– Эшитмаяпсанми, сувли ерга "Краснодар", "Таня" уруғидан экасан, айтганимни қилмасанг, сувингни пасайтириб қўяман.

– Эшитяпсанми, суви кам ерларга "Замин" уруғидан сочасан. Сочдингми, яхши. Тракторни тезда орқасига қайтар.

Бўлим мудири шу гапларни айтаётганда, назаримда кўзларини хиёл қисиб, бутун далалар манзарасини кўриб, нигоҳидан ўтказаётгандек. Ниҳоят, сўзлашиш навбати бизга келди. Кўрган, эшитганларимизни айтдик. Жимгина тинглади.

– Шарифбой отага раҳмат. Катта муаммони кўтарибди, – дея қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади, – ҳаммамизга, бутун туманга тааллуқли бўлган муаммони ўртага қўйибди. Шундай оталар кўп бўлса, яна ҳам яхши. Ҳурматли Юртбошимиз: «Фермер ўзига берилган ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланса, яхши фермер бўлади, мўъжиза яратади», деган гапларни қайта-қайта айтиб келадилар. Юртбошимизнинг ана шу фикрларига отанинг жон куйдириб, айтган гаплари айнан жавоб бўлибди. Ҳокимимиз ташаббусни, янгиликни яхши кўради. "Беркиниб ётган имкониятни мен очаман", деганларнинг елкасини силайди. Каттадир-кичикдир янги-янги фикрлар билан яшасин деяпти. Яхши ниятлиларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келяпти. Хатни қолдириб кетинг. Ҳокимимизга ҳавола қилайлик. Эҳтимол, туманимизда терак экиш, умуман теракчиликни ривожлантириш ҳақида бирон-бир чора кўришни маслаҳат қилишар. Бизга ўхшаган масъулларни ҳузурларига чақириб, режа тузиб, менга олиб келинглар, дейишар. Шундай муҳим муаммони кўтаргани учун отага ва газетангиз таҳририятига яна бир марта раҳмат айтаман. Қани энди, шунақа хатлар кўп бўлса-ю, сизга ўхшаган ёзувчилар тез-тез келиб турса.

**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**

## Жиноятга жазо муқаррар

**Донишмандлардан бири айтилажак ҳар бир сўз аввало, илм, маърифат, ҳаё ва латофат либосига ўранган бўлмоғи керак, аксинча, айтувчини ҳам, тингловчини ҳам муродга етказмайди, шармандаи шармисор қилади, деган экан.**

# САРОБГА ТАЛПИНГАНЛАР

Чиндан ҳам, сўз – инсонга берилган неъматларнинг энг бебаҳосидир. Битта топиб айтилган гап, битта жўяли ибора не-не яхшиликларга доялик қилгани ва аксинча, манфаат, нафс ва ғаразгўйликдан бино бўлган биргина калом неча-неча инсонлар бошига зулм ва маломат ёғдирганига тарихдан беҳисоб мисоллар келтириш мумкин. Зеро, сўз инсон қалбига бенуқсон етиб борувчи, унинг онгу шуурига, тафаккурига таъсир ўтказувчи беқиёс кучдир.

Асли андижонлик бўлган Абдували қори Мирзаев ҳақида эшитганмисиз? Унинг диний мавзудаги даъваткорона маърузаларини-чи? Агар эшитган бўлсангиз, сўзимиз аввалида келтирилган мулоҳазалар худди шу каби ваъз айтувчиларга кўпроқ дахлдор эканини ҳам дарров пайқагансиз...

Гап шундаки, 1989-1994 йилларда Андижон шаҳридаги "Жоме" масжидида имомлик қилган Мирзаев даъватларининг "ўзига хослиги" уларнинг муборак Ислом динининг асрлар давомида шаклланган Имоми Аъзам мазҳабига қарама-қарши бўлган диний эътиқодларни сингдиришга қаратилганидадир, десак хато бўлмайди. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади деганларидек, Мирзаевнинг "этагини тутган"лар шариат аҳкомлари ва ибодат тартибларини ҳам юртимизда анъанавий бўлган мазҳаб таълимотларига зид равишда бажаришни одат қилдилар. У ва унга эргашганлар имомлик қилган масжидларга шу тариқа ноанъанавий ибодат турлари синга бошлади.

Мирзаевнинг маърузалари асосан диндан бехабар, эътиқоди суст, маънавий савияси ҳаминқадар бўлган ёшларда кўпроқ қизиқиш уйғотди. Натижада ёшлар ибодат турларига хилоф кўринишларда намоз ўқийдиган бўлдилар. Бу эса турган гапки, диндорлар ўртасида турли ихтилофлар ҳам келиб чиқишига сабаб бўлди ва энг ёмони, бу таълимот юртимизда "Ваҳҳобийлик" диний оқимининг тегирмонига сув қуйди.

Фақат бугина эмас. А. Мирзаев имомлик қилган кезларда шу атрофдаги бир гуруҳ қизиқувчан ёшялангларга ўзи билганича норасмий диний дарслар ўтиш билан ҳам мунтазам шуғулланди. Уларда имон, таҳвид, ақида масалалари, ибодат тартиблари, шариат аҳкомлари, Қуръони карим оятлари тафсири каби мавзулар бир ёқлама, ўта махфий манфаат доирасида талқин этиб борилди. Унинг жума намози маърузалари ёзилган аудио, видео маҳсулотлар юртимиз бўйлаб кенг ададда тарқала бошлади. Энг ёмони, бу материалларнинг кўпи жиҳодчилик ҳаракатлари тарғиботига бағишланган бўлиб, улар мазкур ҳудудда "Ислом лашкарлари", "Адолат уюшмаси", "Ўзбекистон ислом уйғониш партияси" каби диний экстремистик гуруҳларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Бу каби таги пуч ғоялар негизига қурилган норасмий ташкилот ҳайбаракаллачилари эса Мирзаевни ўзларига пир, маънавий-ғоявий раҳнамо даражасида кўра бошладилар.

Дин ниқоби остида ўзининг ярамас манфаатлари, сиёсий мақсадларига эришмоқчи бўлган ғаламисларнинг асл қиёфасини кўрсатиб берувчи, барчамизга сабоқ ва ибратомуз воқеа-ҳодисалар дунёнинг ҳали у, ҳали бу бурчагида бот-бот содир бўлаётгани, ва афсуски, бундай ҳаракатлар кўплаб юртдошларимиз бошига ҳам кулфату маломатлар ёғдирганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Минг шукрки, оқни қорадан фарқлай олувчилар, ҳар қандай ғояга теран тафаккур кўзи билан қарайдиганлар кўпайди, "ол" деса олахуржунини кўтариб чопадиган мафкураси бўш инсонлар бошлари деворга урилавергач, ҳайтовур инсофга келиб қолдилар.

Шундайку-я, аммо...

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ўз мажлисида яна бир гуруҳ ақидапарастлар устидан ҳукм чиқарди. Панжара ортида ангренлик норғул йигитлар – Абдужаббор Йўлдошев, Музаффар Исматов, Абдуманнон Артуков, Бахтиёр Мирзақулов, Лочин Холдоров, Рихситилла Холмуҳамедов, Баҳодир Рўзиматов, Юнус Бегматов, Дониёр Мирзақулов, Абдусами Ҳамдамов, Нурмуҳаммад Ражабов, Шуҳрат Насриддинов... Мутаассиблик, оқни қорадан, ҳалолни ҳаромдан, диёнатни залолатдан, ҳидоятни жаҳолатдан ажрата билмаслик, диний билимларга кўр-кўрона ёндошув улар қалбини кўр, тафаккурини сўқир қилиб, тўғри йўлдан тойдирган кўринади. Акс ҳолда асли тожик миллатига мансуб бўлган, 25-40 ёшнинг нари-берисидаги бу йигитлар айни ҳаётга, оиланинг қувончу шодликларига тўймайдиган, эл-юртга хизмат қилиб чарчамайдиган шундай бир замонда жаҳолатга ботармидилар?

Дастлабки тергов-суриштирув ишлари, тегишли идоралар томонидан аниқланган маълумотларда ойдинлашишича, судланувчи А. Йўлдошев 2000 йилдан буён ўн йил давомида Ангрен шаҳрида яширин тарзда ноқонуний диний жамоатни бошқариб, мазкур тузилмани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш ва фаолиятини кенгайтириш билан шуғулланиб келган. Бу йўлда у ҳали етарли диний ва дунёвий маълумотга эга бўлмаган таниш-билишлари ва яқинларини ушбу жамоатга фаол жалб этган. Шу тариқа биз юқорида номма-ном санаб ўтган жамоат аъзолари ўзаро хуфиёна йиғилишлар ўтказиб, диндорлик ниқоби остида экстремистик ғояларни эгаллаб келганлар. Шу орқали ғайриқонуний равишда асл ислом динининг моҳиятига тамоман зид бўлган ақидапарастлик, бузғунчилик ғоялари одамлар орасида тарғиб этиб келинган. Бундай маърузабозликлар одатда, фундаменталистик, сепаратистик ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши бугун кўпчиликка аён ҳақиқат бўлиб қолди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор халқимизда. 2010 йилнинг 10 июнь куни жамоат аъзолари А. Йўлдошев, М. Исматов, А. Артуков, Б. Мирзақулов, Л. Холдоров, Р. Холмуҳамедов М. Исматовга тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-"а" даҳа, 2-уй, 5-хонадонда навбатдаги "машварат" чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўтказган тезкор тадбир жараёнида қўлга олиндилар. Улардан бир қанча диний адабиётлар, икки дона "МСИ" ва "HP G 6000" русумли портатив компьютер, "CD" дисклар ашёвий далил сифатида олинди.

Буни қарангки, таҳлилларга кўра, ақидапарастлардан олинган ашёвий далиллар анчайин хавфли экан. Масалан, А. Артуковдан олинган "МСИ" русумли портатив компьютер хотирасидаги маълумотлар жиҳодга тарғиб қилиш мазмунидаги, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилгани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита берган хулосада ўз исботини топди. Шунингдек, унда биз юқорида тилга олган хавфли ақидапараст Абдували Мирзаевнинг маърузалари тўпланган файллар ҳам мавжуд экан. М. Исматовнинг уйидан олинган компакт-дискда эса амалдаги давлат тузумини қўпориб ташлашга, ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллашга хизмат қилувчи жангари фильм ва унга қарашли портатив компьютерда А. Мирзаевнинг ислом давлати қуришга даъват этиш мазмунидаги маърузалари борлиги аниқланди.

Суд ўз мажлисида ишга алоқадор барча жиҳатларни, гувоҳлар кўрсатмаларини, холислар фикрларини синчиклаб таҳлил қилар экан, албатта, айбдорларга қилмишларига яраша жазо белгилади. Бинобарин, муқаддас динимиз аҳкомларида "Ҳар бир иш ниятга боғлиқдир" дея уқтирилади. Бу кимсаларнинг ниятлари бошдан бузуқ эди, алалоқибат кўзлаган манзилларига етолмай, доғда қолдилар.

**А. БЕКМУРОДОВ.**




## ФУКУСИМА ҚИРҒОҚЛАРИДА ОВ БОШЛАНДИ

**2011 йилда "Фукусима-1" АЭСида авария юз берганидан сўнг ўтган вақт давомида биринчи марта шу атрофдаги денгизда балиқ, кальмар ва қисқичбақа овлашга киришилиб, дастлабки маҳсулотлар Япония дўконларига келтирилди.**



Фукусима префектураси балиқчилари овлаган ушбу маҳсулотлар текшириб кўрилганда, таркибида радиоактив унсурлар йўқлиги маълум бўлди. Энди "Фукусима-1" АЭС атрофидаги сувлардан тутиладиган денгиз маҳсулотлари Токионинг улгуржи бозорларига ҳам чиқарилиши кутилмоқда.

Ўтказилган тестлар шуни кўрсатдики, префектура қирғоқлари яқинида овланган денгиз маҳсулотларининг 95 фоизи экологик тоза бўлиб, истеъмол учун яроқлидир. Қолган 5 фоиз маҳсулотдаги радиоактив унсурлар ҳам белгиланган меъёрнинг ўндан бирига тенг, холос.

Маълумки, Фукусима сувларида балиқ овлаш 2011 йилдаги авариядан сўнг тўхтатиб қўйилган эди. Бу маҳаллий балиқ овловчилар учун катта иқтисодий муаммолар келтириб чиқарганди. Япония ҳукуматининг таъкидлашига қараганда, Очиқ уммон сувидаги радиация Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ичимлик суви юзасидан белгилаган меъёрдан анча паст экан.

## ЦИСТЕРНАЛАР ИЗДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

**Канаданинг Саскачеван вилоятида нефть, этанол ва машина мойи ортилган 17 та цистерна издан чиқиб кетганлиги ҳақида маҳаллий ҳукумат вакиллари хабар беришди.**

Ушбу маълумотларда келтирилишича, авария Лэндис шаҳридан 500 метр нарида юз берди. Воқеа жойига зудлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар темир йўл полотносидаги қуруқ ўтлар орқали ёнғин чиқишини бартараф этдилар. Цистерналар қулаши оқибатида портлашлар юз бермади, жабрланганлар йўқ.

Полиция сержанти Грант Раскнинг ҳикоя қилишича, юк поезди таркибида жами 130 та цистерна ва вагон бўлган. "Машина мойи ортилган цистерналардан биридан маҳсулот оқиб чиқа бошлади, – деди у. – Ағдарилган цистерналарда портлаш хавфи кучли бўлган ашёлар борлиги сабабли маҳаллий ҳукумат мактаблардаги машғулотларни тўхтатиб қўйди".



Вагонлар қулаган жойга Канаданинг транспортда хавфсизлик кенгаши экспертлари етиб келиб, воқеа сабабларини ўрганишга киришдилар.

## ХАРОБАЛАР ОСТИДА ҚУРБОНЛАР КЎП ҲАЛИ

**Покистоннинг Аваран округида юз берган 7,7 магнитудали зилзила оқибатида 90 фоиз бинолар вайрон бўлди. Қўшни бешта округда фавқулодда вазият эълон қилинди.**



Маҳаллий ҳукумат вакиллари Reuters агентлигига берган маълумотга кўра, мамлакатнинг Белужистон вилоятининг жануби-ғарбий қисмида табиий офат қурбонлари 327 кишидан ошди. "Аваран округида 285 та жасад топилди, – деб ёзади Reuters маҳаллий амалдорнинг сўзларига таяниб. – Зилзила марказидан бор-йўғи 69 километр масофада жойлашган ушбу минтақа табиий офатдан айниқса, кўп зарар кўрди. Қўшни Кечь округида ҳам 42 та жасад топилди".

Аваранда 90 фоиз бинолар вайрон бўлган. Қурбонлар сони ошиб бориши кутилмоқда. Чунки, харобалар остида қолганлар ҳали кўп. Транспорт ҳаракати бузилаётгани ва жабр кўрган туманлар билан алоқанинг йўқлиги қутқарув ишларини ғоят қийинлаштирмоқда, деб ёзади ИТАР-ТАСС. Шунингдек, табиий офатдан шикастланганлар ҳам кўпайиб боряпти. Sky News телеканалининг маълум қилишича, ярадорлар ҳозирнинг ўзидаёқ 500 кишидан ошди.

Гувоҳларнинг айтишича, биринчи ер силкинишидан сўнг яна камида беш марта кучли зарба сезилди. АҚШнинг геология хизмати силкиниш кучини 7,7 магнитудадан иборат бўлганини таъкидлади.

Қизиғи шундаки, зилзиладан сўнг Аравия денгизи қирғоғи яқинида янги орол пайдо бўлди. Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 12 метр, кенглиги 30 метр. Янги орол Гвадар портининг шундоққина ёнгинасида. Бироқ, сейсмологларнинг таъкидлашига қараганда, бу вақтинчалик воқелик бўлиб, маълум вақт ўтгач, орол кўздан ғойиб бўлади. Бундай ҳолат илгари ҳам юз берган.



## ҚОТИЛ ҚАТЛГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

**Хитой Халқ Республикасида кичкина қизалоқни онасининг кўзи олдида шафқатсизларча ўлдирган киши ўлим жазосига ҳукм қилинди.**

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, 1996 йилдан бошлаб умрбод қамоқ жазоси муддатини ўтаётган Хан Лей кейинчалик жазо енгиллаштирилиб, озодликка чиқарилганди. Орадан бир йил ўтмай, юқоридаги фожиани содир этди. Гап шундаки, қотил машинасини йўловчи автобус бекати ёнига қўймоқчи бўлганда, ўша ерда турган болалар аравачаси унга ҳалал берди. Шунда у аравача эгаси бўлган аёлдан жойни бўшатишни талаб қилди. Аёл эса кўнмади. Ўртада жанжал чиқди. Қотил аввал аёлни обдон дўппослади, кейин қизалоқни боши узра кўтариб, ерга урди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8149. Адади 7067. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.